

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ №1 - сонли

2022йил «10» январь

Пешку тумани

(шартнома тузилган жойи)

Пешку туман Электр таъминоти корхониси (кейинги ўринларда “Корхона” деб юритилади) нинг Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари **У.Тухсанов** бир тарафдан ва Пешку туман Мактабгача таълими бўлими Марказлашган (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) нинг Устав асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар **М.Абдуллоева** иккинчи тарафдан тизимдаги ҳисоб вараги - □□□□□□□□ ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

- 1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармок оркали Истеъмолчига электр энергияси (кейинги ўринларда “Энергия” деб юритилади) бериб туриш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул қилинган Энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.2 Уланган қуввати кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юкламали соатларида катнашувчи ҳақиқий максимал қувват (кейинчалик “Қувват”) учун ҳақ тўлайди.

II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

- 2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми **306666** кВт.с. ни ташкил қилади.*
- 2.2 Шарнома тузилган кунда етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи сўмни, Қувватнинг нархи **450** сум (амалда бўлган тариф асосида) ташкил қилади.
- Шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан **137 999 700** (Бир юз уттиз етти миллион туккиз юз туксон туккиз минг етти юз) сўм.

- 2.3 Корхона Истеъмолчига Энергияни (Қувватни) ушбу шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган миқдорда етказиб беради.*
- 2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Қувват) миқдори Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади (2-илова).
- Ҳисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг ҳисоб-китоб қилишига мўлжалланган Энергия ва Қувватни ҳисобга олишнинг бошқа воситалари Корхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими билан мос келиши, Истеъмолчининг ҳисобидан сотиб олинishi, давлат қиёсловидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Корхона вакили томонидан рўйхатга олинishi ва тамғаланиши керак.
- 2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-илоvasидаги Табiiй монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг йиллик минимал ҳажми 100000 кВт.с.ни ташкил қилади.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

- 3.1 Етказиб берилган Энергия ва Қувват учун ҳисоб-китоб даври бир ой.
- 3.2 Корхона ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив энергия, шунингдек Қувватнинг ҳисобга олинishi электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида амалга оширилади (3-илова)
- Агар Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкадаги Энергиянинг технологик сарфининг ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли билан далолатнома тузилган ҳолда (4-илова) аниқланади ва ҳақ тўлашда ушбу электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига қараб, Корхона ва Истеъмолчи ҳисобига ўтказилади.
- 3.3 Корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳар ойда энергия ва қувватнинг ҳақиқий сарфини аниқлаш учун ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади.
- 3.3 Корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳар ойда энергия ва қувватнинг ҳақиқий сарфини аниқлаш учун ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади.
- 3.4 Истеъмолчи келгуси ҳисоб-китоб даврига у бошланишидан олдин Энергия ва Қувватнинг шартномавий ҳажми нархини 30 фоизи миқдоридан олдиндан тўловни амалга ошириши шарт.
- Истеъмолчи ҳисоб-китоб даврида ҳақиқий истеъмол қилган Энергия ва Қувват учун шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилади
- ва тўлик тўловларни навбатдаги ой бошлангунга қадар амалга оширади.
- Истеъмол қилинган Энергия ва Қувват учун Истеъмолчининг қарздорлиги, шартномада белгиланган миқдордан кўп истеъмол қилинганлиги учун жарима

* Изох: Бюджет маблағлари бўйича йиллик харажатлар сметаси тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилгунга қадар, вақтинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва миқдорлар кўрсатилади.